

**ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ВОЯГА ЕТМАГАН
ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Ҳасанов Бекзод Ҳасанович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Навбатчилик кисми катта прокурори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22912995>

Аннотация: Мазкур мақолада жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишни такомиллаштиришнинг халқаро-ҳуқуқий ва криминалистик асослари таҳлил қилинган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида мустаҳкамланган бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари, миллий жиноят-процессуал қонунчилик нормалари ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Европа Кенгашининг Лансароте конвенциясида белгиланган халқаро стандартлар, АҚШда ишлаб чиқилган NICHD/R-NICHD протоколи ва Скандинавия давлатларида қўлланилаётган Барнахус модели қиёсий жиҳатдан ўрганилиб, илмий-амалий таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Аннотация. В статье анализируются международно-правовые и криминалистические основы совершенствования допроса несовершеннолетних потерпевших по преступлениям против половой свободы. В исследовании в сравнительном аспекте изучены гарантии защиты прав и интересов ребенка, закрепленные в новой редакции Конституции Республики Узбекистан, нормы национального уголовно-процессуального законодательства, а также международные стандарты, установленные Конвенцией ООН о правах ребенка и Лансаротской конвенцией Совета Европы. Кроме того, рассмотрены разработанный в США протокол NICHD/R-NICHD и применяемая в скандинавских странах модель Barnahus, на основе чего выдвинуты научно-практические предложения и рекомендации.

Annotation. This article analyzes the international legal and forensic foundations for improving the interviewing of minor victims of crimes against sexual freedom. The study comparatively examines the guarantees for the protection of children's rights and interests enshrined in the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the provisions of national criminal procedural legislation, as well as international standards established by the United Nations Convention on the Rights of the Child and the Council of Europe Lanzarote Convention. In addition, the NICHD/R-NICHD protocol developed in the United States and the Barnahus model applied in Scandinavian countries are examined, based on which scientific and practical proposals and recommendations are put forward.

Калит сўзлар: жинсий эркинликка қарши жиноятлар, вояга етмаган жабрланувчи, сўроқ қилиш, бола ҳуқуқлари, NICHD протоколи, Барнахус модели, халқаро-ҳуқуқий стандартлар.

Ключевые слова: преступления против половой свободы, несовершеннолетний потерпевший, допрос, права ребенка, протокол NICHD, модель Barnahus, международно-правовые стандарты.

Keywords: *crimes against sexual freedom, minor victim, interviewing, children's rights, NICHD protocol, Barnahus model, international legal standards.*

Барчага маълумки, болалар ҳар бир миллатнинг келажаги бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳимояси даражаси ҳар қандай давлатнинг цивилизациявий тараққиёт кўрсаткичи ҳисобланади. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар вояга етмаган шахсларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига энг оғир, кўпинча қайтарилмас зарар етказадиган жиноят турларидан бири ҳисобланади. Бундай жиноятлар бўйича жиноят ишлари юритувида жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида иштирок этаётган болани сўроқ қилиш тартиби алоҳида нозик ва масъулиятли масала саналади. Нотўғри ташкил этилган сўроқ тергов ҳаракати болага иккиламчи психологик жароҳат етишига, энг ҳавлиси эса, унинг кўрсатувларининг ишончлилигига путур етказишга ва оқибатда, айбдорнинг жазодан қутулиб қолишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари бўйича қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий кадрият эканини мустаҳкамлаб, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш давлатнинг конституциявий мажбурияти даражасига кўтарилди¹. Айниқса, янги таҳрирдаги Конституция бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди².

Хусусан, Конституциянинг 65–67-моддаларида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида экани, фарзандларнинг ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенг эканлиги мустаҳкамланган бўлса, 78-моддасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти сифатида белгиланган³.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида 2026 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди⁴. Ушбу қонунга мувофиқ 2 та кодекс ва 4 та қонунга муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, хусусан, Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Бола

¹ Янги таҳрирдаги Конституция — инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати // URL: https://constitution.uz/uz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat (мурожаат санаси: 25.08.2026).

² Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://nrm.uz/content?doc=719850> (мурожаат санаси: 25.08.2026).

³ Вояга етмаганлар одил судлов ҳимоясида // URL: <https://yuz.uz/uz/news/voyaga-etmaganlar-odil-sudlov-himoyasida> (мурожаат санаси: 25.08.2026).

⁴ Эндилликда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахснинг иш жойи сақлаб қолинади // URL: <https://yuz.uz/uz/news/endilikda-taziiq-va-zravorlikdan-zabrlangan-saxsning-is-zoi> (мурожаат санаси: 26.08.2026).

хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунларга БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ “боланинг энг устувор манфаатлари” тамойили киритилди.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 2026–2030 йилларга мўлжалланган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий стратегия тасдиқланди. Ушбу стратегия доирасида зўравонликка учраган ёки хавф остида қолган болалар учун мутлақо янги ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилмоқда⁵.

Жумладан, 2026 йил 1 февралдан бошлаб оғир вазиятга тушиб қолган болалар учун профессионал «тутинган оила» хизмати йўлга қўйилиши, 2026 йил 1 мартдан эса «Меҳрли оила» хизмати доирасида ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни тиклаш мақсадида бепул оилавий терапия сеанслари ўтказилиши белгиланган. Дастлабки босқичда бундай кичик ижтимоий кўмак марказлари Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида ташкил этилиб, 2026 йил якунигача бутун республика бўйлаб тўлиқ ёйилиши режалаштирилган.

Барчамизга маълумки, ЖКнинг 118, 119, 128 ва 129-моддаларида бевосита вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этиладиган жинсий зўравонлик ва ахлоқсиз ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган⁶. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарорида ушбу моддаларни қўллаш амалиётига оид муҳим тушунтиришлар берилган, жумладан, ўн тўрт ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги) болалар ожиз аҳволдаги шахс сифатида баҳоланиши лозимлиги алоҳида кўрсатилган⁷.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПК 121-моддасида эса “Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари”ни махсус тартибга солади⁸. Кодекснинг 19-моддасида эса жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатганда судлар ошкоралик тамойилидан истисно тартибида ёпиқ суд мажлисини ўтказиш ҳуқуқига эга экани белгиланган, бу боланинг шахсий ҳаётини ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарорида далилларнинг мақбуллигига оид муҳим қоида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатувлари унинг қонуний вакили, зарур ҳолларда эса педагог ёки психолог иштирокисиз олинган бўлса, бундай далил мақбул эмас деб топилади⁹. Бу қоида болани сўроқ қилишда

⁵ Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилувчи янги тизим қачон ишга тушади? // URL: <https://zamin.uz/uzbekiston/178374> (мурожаат санаси: 26.08.2026).

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси//URL: <https://lex.uz/docs/111453> (мурожаат санаси: 27.08.2026).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарори //URL: <https://lex.uz/acts/2414120> (мурожаат санаси: 27.08.2026).

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси//URL: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат санаси: 27.08.2026).

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори// URL: <https://oak.uz/pages/17685> (мурожаат санаси: 04.09.2026).

мутахассис (педагог ёки психолог) иштирокини процессуал жихатдан мажбурий шартга айлантирган муҳим кафолат ҳисобланади. Шунингдек, амалиётда вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда психолог иштирок этиши мумкинлиги алоҳида таъкидланади¹⁰.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда конституциявий ислоҳот жараёнида болаларнинг фундаментал ҳуқуқларини самарали муҳофаза қилиш устувор вазифага айланган. Бироқ, бу борада ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган кўплаб вазифалар турибди. Шу нуқтаи назардан бу борадаги хорижий ва халқаро тажрибани чуқур ўрганиш алоҳида эътибор қаратилган масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда конституциявий даражада болага дўстона одил судлов концепциясини жорий этиш учун мустаҳкам норматив база яратилди. Эндиликда бу конституциявий тамойилларни жинойт-процессуал амалиётга, жумладан, вояга етмаганларни сўроқ қилиш тартибида тўлиқ рўёбга чиқариш вазифаси турибди. Шу муносабат билан, миллий жинойт-процессуал қонунчилигини болага дўстона одил судлов халқаро стандартлари, жумладан, АҚШ Миллий бола саломатлиги ва инсон ривожланиши институти (NICHD) томонидан ишлаб чиқилган структуравий сўроқ протоколи ҳамда Скандинавия мамлакатларида кенг қўлланилаётган Barnahus (“Болалар уйи”) модели асосида такомиллаштириш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Жинсий эркинликка қарши жинойтлар бўйича жабрланган болаларни сўроқ қилиш муаммосининг долзарблиги қуйидаги бир нечта омиллар билан белгиланади:

биринчидан, бола гувоҳлик кўрсатувларининг ишончлилиги унинг ёши, ақлий ривожланиш даражаси, хотира хусусиятлари ва сўроқ қилувчи томонидан берилаётган саволларнинг тузилишига боғлиқ бўлиб, нотўғри шаклдаги (айниқса, етакчи ёки таклиф қилувчи) саволлар боланинг кўрсатувиغا таъсир кўрсатиши ва процессуал жихатдан номақбул далилга айланиши мумкин;

иккинчидан, такрорий қўшимча сўроқлар боланинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, уни воқеани қайта-қайта эслашга мажбур қилади, бу эса иккиламчи травматизация хавфини оширади;

учинчидан, жинойт-процессуал муҳит (расмий кабинет, кийимдаги мансабдор шахслар, узундан-узоқ кутиш) болада кўркув ва сиқилиш ҳиссини кучайтиради, натижада у ҳақиқий маълумотни тўлиқ бера олмайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция¹¹ бола ҳуқуқлари соҳасидаги биринчи мажбурий кучга эга халқаро ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХII-сонли қарори билан унга қўшилган ва Конвенция мамлакатимиз учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган¹².

¹⁰ Вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда психолог иштирок этиши мумкин //URL: https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi_voyaga_etmaganlarni_mehnatga_majburlaganlik_uchun_-_tugridan-tugri_jinoiy_javobgarlik (мурожаат санаси: 04.09.2026).

¹¹Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция //URL: <https://lex.uz/docs/2595913> (мурожаат санаси: 03.09.2026).

¹² URL: <https://lex.uz/docs/2595913> (мурожаат санаси: 05.09.2026)

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияни ратификация қилиш билангина чекланмади. 2008 йилда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияга доир, болаларнинг курулди можароларда иштирокига тааллуқли факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ва болалар савдоси, болалар фожиабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) ҳам ратификация қилди¹³.

Конвенциянинг 3-моддасида мустаҳкамланган “боланинг энг устувор (олий) манфаатлари” тамойили, 12-моддасидаги боланинг ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқи ва унинг ёши ҳамда етуқлик даражасига мувофиқ бу фикрга тегишли аҳамият берилиши лозимлиги, 19-моддасидаги болани ҳар қандай зўравонлик шаклидан ҳимоя қилиш мажбурияти ва 34-моддасидаги болани жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш талаби вояга етмаганларни сўроқ қилишнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Зеро, конвенцияга мувофиқ, суриштирув ва тергов органлари, шунингдек судлар ўз фаолиятида болага нисбатан ҳар қандай қарор қабул қилишда унинг энг яхши манфаатларини биринчи ўринга қўйишлари шарт, бу эса сўроқ қилиш жараёнининг шакли, вақти, жойи ва иштирокчилар таркибини боланинг руҳий ҳавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан белгилашни талаб қилади.

Европа Кенгашининг “Болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенцияси (Лансароте конвенцияси) 2007 йил 25 октябрда Лансароте (Испания) шаҳрида имзоланган бўлиб, 2010 йил 1 июлдан кучга кирган ва бугунги кунда Европа Кенгашининг барча 46 аъзо давлати, шунингдек, Европадан ташқаридаги баъзи давлатлар (жумладан, Тунис) томонидан ратификация қилинган¹⁴. Мазкур Конвенция болага нисбатан содир этиладиган жинсий зўравонликнинг барча турларини — оила ва “ишонч доираси”даги зўравонликдан тортиб, тижорий мақсадда содир этиладиган жиноятларгача жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутди ва иштирокчи давлатлардан профилактика, ҳимоя ва жиноий таъқиб бўйича комплекс чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Лансароте конвенциясининг 30-моддасида терговнинг ва жиноий таъқибнинг боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш тамойилига мувофиқ олиб борилиши, жумладан, сўроқларнинг сони чекланиши, вояга етмаганнинг видео ёзувда берган кўрсатуvidан суд жараёнида далил сифатида фойдаланиш имконияти ҳамда сўроқни махсус тайёрланган мутахассислар томонидан, зарур ҳолларда боланинг қонуний вакили иштирокида ўтказилиши белгиланган. Европа Кенгашининг 2010 йилда қабул қилинган “Болага дўстона одил судлов бўйича йўриқномалари”да¹⁵ эса болани сўроқ қилиш жараёни унинг ёшига мос тилда, унга тушунарли муҳитда, зарурсиз кечиктиришларсиз ва мумкин қадар кам сонли учрашувларда ўтказилиши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Барнахус модели айнан ушбу йўриқномаларда илғор амалиёт намунаси сифатида тан олинган.

¹³ <https://parliament.gov.uz/uz/articles/1889>(мурожаат санаси: 05.09.2026)

¹⁴ Lanzarote Convention //URL: <https://www.coe.int/> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

¹⁵ URL: https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-319-58388-4_1 (мурожаат санаси: 06.09.2026).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда Лансароте конвенциясининг иштирокчиси эмас, бироқ Конвенция Европадан ташқаридаги давлатлар учун ҳам очиқ ҳисобланади. Ушбу конвенцияга қўшилиш миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришнинг қўшимча институционал механизми бўлиши мумкин.

АҚШнинг Миллий бола саломатлиги ва инсон ривожланиши институти (National Institute of Child Health and Human Development — NICHD) тадқиқотчилари гуруҳи, профессор Майкл Лэмб раҳбарлигида, боланинг хотираси, коммуникатив кўникмалари ва ижтимоий хулқ-атвори бўйича кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида тизимли тергов сўроқ протоколини ишлаб чиқдилар¹⁶. Ушбу протокол амалиётчи мутахассисларнинг илмий тавсияларга риоя қилишда дуч келадиган қийинчиликларини бартараф этиш, яъни касбий тавсияларни аниқ операцион қўлланмага айлантириш мақсадида яратилган.

NICHD протоколи сўроқнинг барча босқичларини, сўроқнинг бошланиш қисми, яъни мутахассиснинг ўзини таништириши, боланинг воқеани батафсил ва ҳақиқатга мос равишда сўзлаб бериш зарурлигини тушунтириш, “асосий қоидалар”ни ўрнатиш, жумладан, боланинг “билмайман”, “эсимда йўқ”, “тушунмадим” дея жавоб бериш ёки сўроқ қилувчининг хатосини тузатиш ҳуқуқига эга экани, алоқа ўрнатиш, эркин сўзлаб бериш ва зарур ҳолдагина аниқловчи саволлар бериш босқичларини қамраб олади¹⁷. Протоколнинг марказий ғояси бу очиқ турдаги саволлардан имкон қадар кўп, танлов таклиф қилувчи ва айниқса етакчи саволлардан эса энг кам миқдорда фойдаланиш орқали боланинг эркин хотирасидан максимал даражада тўғри ва батафсил маълумот олишдир.

Кўплаб мустақил экспериментал ва амалий тадқиқотлар NICHD протоколидан фойдаланиш сўроқ сифатини сезиларли даражада оширишини тасдиқлайди¹⁸. Хусусан, АҚШ Адлия вазирлиги Миллий адолат институти (National Institute of Justice) томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, NICHD протоколи асосида ўтказилган 17 та сўроқдан 16 таси айбловга олиб келган бўлса, протоколгача бўлган даврдаги 13 та сўроқдан фақат 7 тасигина шундай натижага эришилган¹⁹. Кейинчалик протоколнинг такомиллаштирилган (Revised NICHD — R-NICHD) версияси боланинг ҳиссий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча қўллаб-қувватловчи техникаларни ҳам ўз ичига олди²⁰.

NICHD протоколининг афзаллиги шундаки, у сўроқнинг барча зарур босқичларини изчил босиб ўтишни таъминлаш орқали сўроқ қилувчининг ҳақиқий вазиятга мослашувчанлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ушбу протокол дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатда, жумладан Исроил, Буюк Британия, Канада, Финляндия каби давлатларда мутахассисларни тайёрлаш ва миллий стандартларга киритиш орқали қўлланилмоқда.

¹⁶ URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0145213407002438> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

¹⁷ URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0145213407002438> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

¹⁸ URL: <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC2180422/> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

¹⁹ URL: <https://crimesolutions.ojp.gov/ratedprograms/nichd-investigative-interview-protocol> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

²⁰ URL: <https://www.frontiersin.org/journals/psychology/articles/> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

Барнахус исланд тилида “Болалар уйи” деган маънони беради ва болага нисбатан зўравонлик ёки жинсий тажовуз ҳолатлари бўйича унга дўстона, кўп тармоқли ва идоралараро ҳамкорликка асосланган ягона хизмат кўрсатиш модели бўлиб, унинг мақсади жабрланган ёки гувоҳ болага мувофиқлаштирилган ва самарали болалар ҳимояси ҳамда жиноий одил судлов хизматини тақдим этиш, тергов ва суд жараёнида қайта травматизацияланишнинг олдини олишдан иборат²¹. Ушбу модель АҚШдаги “Child Advocacy Center” ғоясидан илҳомланган бўлиб, дастлаб 1998 йилда Исландияда, сўнгра 2005 йилда Швецияда, 2007 йилда Норвегияда, 2011 йилда Гренландияда ва 2013 йилда Данияда жорий этилган²².

Барнахус модели доирасида бола фақат бир марта, ихтисослашган интервьюер томонидан, полиция, прокуратура, ижтимоий ҳимоя хизматлари ва тиббиёт мутахассислари бир кузатув ойнаси орқали жараёни кузатиб турган ҳолда сўроқ қилинади ва бу сўроқ видео ёзувга олинди, кейинчалик суд жараёнида далил сифатида тақдим этилади. Натижада бола такроран сўроққа тортилмайди²³. Масалан, Исландия амалиётида боланинг сўроғи ва тиббий кўригини иддоо билдирилган воқеадан кейин бир ҳафта ичида, ягона жойда, махсус тайёрланган ходимлар томонидан ўтказиш кўзда тутилган. Шундан кейин бола зудлик билан зарурий психологик ёрдам ва маслаҳат хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу, айниқса, суд жараёни ойнаб чўзиладиган ва бола қайта-қайта чақирилиб турадиган анъанавий тизимдан тубдан фарқ қилади.

Барнахус моделининг муваффақияти унинг идоралараро ҳамкорлик тамойилига асосланганлигида, яъни полиция, тергов, прокуратура, болалар ҳимояси хизматлари, педиатрлар ва суд-тиббиёт экспертлари, психологлар бир бино остида ишлаши натижасида ахборот алмашинуви тезлашади, боланинг турли муассасаларга такроран боришига эҳтиёж қолмайди²⁴. Мазкур модель бугунги кунда Европа Кенгаши, БМТ ва бошқа етакчи халқаро ташкилотлар томонидан илғор амалиёт сифатида тан олинди, Болтиқбўйи давлатлари (масалан, 2016 йилда Литвада очилган, Буюк Британия, Нидерландия каби Европа мамлакатларида ҳам жорий этилмоқда²⁵.

Шу билан бирга, илмий адабиётда Барнахус моделининг айрим тизимли муаммолари ҳам қайд этилади. Хусусан, хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи кўпинча жиноий-ҳуқуқий таснифга боғланганлиги сабабли, БМТнинг Бола ҳуқуқлари конвенцияси нуктаи назаридан зўравонлик қурбони бўлган, аммо расмий жиноят иши очилмаган болалар баъзан хизмат доирасидан четда қолиши мумкинлиги танқид қилинади. Бу ҳолат моделни миллий шароитга мослаштиришда болага йўналтирилган ёндашувни устувор қилиш зарурлигини кўрсатади.

Юқорида кўриб чиқилган хорижий моделларни умумлаштирган ҳолда, вояга етмаганларни жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича сўроқ қилишнинг замонавий

²¹URL: <https://en.wikipedia.org/wiki/Barnahus> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

²² URL: <https://childhub.org/en/child-protection-multimedia-resources/> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

²³ URL: <https://theknowledgeexchangeblog.com/2018/02/14/> (мурожаат санаси: 06.09.2026).

²⁴ URL: https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-319-58388-4_1 (мурожаат санаси: 07.09.2026).

²⁵ URL: <https://www.barnahus.eu/en/wp-content/uploads/2020/09/PROMISE> (мурожаат санаси: 07.09.2026).

халқаро стандартларини қуйидаги асосий тамойиллар асосида ташкил этиш ҳақида хулоса қилсак бўлади:

— бир марталик сўроқ тамойили, яъни болани такроран қўшимча тарзда сўроқ қилиш имкон қадар истисно этилиши, зарур ҳолларда мавжуд видео ёзувдан фойдаланилиши;

— сўроқ қилиш жараёнини мажбурий видео (аудио-видео) ёзувга қайд этиш. Бунда сўроқ жараёнининг тўлиқ ёзиб олинishi, бу нафақат кўрсатувнинг ишончилигини оширади, балки процессуал кафолат вазифасини ҳам ўтайди;

— тактик тизимлашган, аммо мослашувчан тактика (NICHD типидagi протоколлар) асосида очиқ саволлар устуворлиги, етакчи саволлардан воз кечиш;

— болани оддий терговчи эмас, балки бола психологияси, тили ва ривожланиш хусусиятлари бўйича етарли малака ва кўникмага эга бўлган терговчи сўро қилиши;

— тиббий, психологик, ҳуқуқий ёрдам бир жойда жамланган Барнаҳус модели каби модел яратиш;

— бола ёшига мос, расмий муҳитдан ҳоли жойда сўроқ қилиш;

— боланинг қонуний вакили ва зарур ҳолатларда малакали педагог ҳамда психолог иштирокини таъминлаш;

— процессуал ҳаракатларни имкони борида тезкорлик билан ҳамда қисқа вақтда олиб бориш.

Ўтказилган илмий-таҳлилий тадқиқот натижаларига асосланиб, жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурамыз:

1. NICHD/R-NICHD протоколи асосида, миллий менталитет ва тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ИИБ, Бош прокуратура ва Олий суд томонидан биргаликда “Вояга етмаганларни сўроқ қилишнинг намунавий услубий йўриқномаси”ни ишлаб чиқиш ва уни тегишли идоравий буйруқ билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

2. Ҳалқаро стандартлар талабидан келиб чиқиб, “Бир марталик сўроқ” тамойилини қонунчиликка мустаҳкамлаш, яъни амиялдаги ЖПКнинг 121-моддасига қўшимча киритиб, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилиш, умумий қоида сифатида, бир марта, видео-аудио ёзувга олинган ҳолда ўтказилиши ва мазкур ёзувдан кейинги барча процессуал босқичларда (жумладан, суд мажлисида) фойдаланилиши, такроран қўшимча тарзда сўроқни фақат истисно тартибда ва асосланган ҳолларда рухсат этилиши белгиш.

3. Тажриба-синов тариқасида жинсий зўравонлик қурбони бўлган болаларга сўроқ, тиббий кўрик ва психологик ёрдамни бир жойда, болага дўстона муҳитда тақдим этувчи Барнаҳус модели каби ихтисослашган марказ ташкил этиш ва унинг натижаларини умумлаштириб, бутун республика бўйича кенгайтириш.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси негизида терговчилар, педагог-психологлар учун NICHD типидagi халқаро методология бўйича мунтазам ўқув курслари ва амалий тренинглар ташкил этиш орқали мутахассисларни малака ошириш ва сертификатлаш

тизимини яратиш ҳамда шу орқали “болалар билан ишлаш бўйича сертификатланган мутахассис” мақомини жорий этиш.

5. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича вояга етмаганлар иштирокидаги ишлар юзасидан ЖПК 121-моддасига риоя этилиши, педагог ва психолог иштироки, видео ёзувдан фойдаланиш каби кўрсаткичлар бўйича мунтазам расмий статистика юритиш ва йиллик таҳлилий ҳисоботларни эълон қилиш тартибини жорий этиш.

6. Болаларга нисбатан содир этилган жинсий зўравонлик ҳолатлари бўйича болалар, ота-оналар ва педагогларни мурожаат қилишлари учун махсус платформа яратиш.

Ўйлаймизки, биз томонимиздан илгари сурилган таклиф ва тавсиялар вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жинсий эркинликка қарши жиноятларни янада самарали тергов қилиш орқали ҳақиқий айбдорларни фош этишга ва аксинча, аслида айбсиз шахсларни жиноий жавобгарликка тортишнинг олдини олишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Янги таҳрирдаги Конституция — инсон шаъни, кадр-қиммати ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати // URL: <https://constitution.uz>
2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси //URL:<https://nrm.uz>
3. Вояга етмаганлар одил судлов ҳимоясида //URL: <https://yuz.uz>
4. Эндиликда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахснинг иш жойи сақлаб қолинади // URL: <https://yuz.uz>
5. Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилувчи янги тизим қачон ишга тушади? // URL: <https://zamin.uz>
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси//URL: <https://lex.uz>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги 30-сонли қарори //URL: <https://lex.uz>
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси//URL: <https://lex.uz>
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори// URL: <https://oak.uz>
10. Вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда психолог иштирок этиши мумкин //URL:<https://www.norma.uz>
11. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция //URL: <https://lex.uz>
12. URL <https://parliament.gov.uz>
13. Lanzarote Convention //URL: <https://www.coe.int>
14. URL: <https://link.springer.com>
15. URL: <https://www.sciencedirect.com>
16. URL: <https://www.sciencedirect.com>
17. URL: <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/>
18. URL: <https://crimesolutions.ojp.gov>
19. URL: <https://www.frontiersin.org>
20. URL: <https://en.wikipedia.org>

21. URL: <https://childhub.org>
22. URL: <https://theknowledgeexchangeblog.com>
23. URL: <https://link.springer.com>
24. URL: <https://www.barnahus.eu>